



Ўзбекистон, Тошкент, Миробод тумани, Ойбек кўчаси 45

(+998 71) 256-37-38

info@pharmi.uz

www.pharmi.uz

[pharmi_uz](#)



ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ



“ *Бизнинг мақсад - мустақил Ўзбекистоннинг фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш учун юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш. Уларни нафақат етук мутахассис, балки замон билан ҳамнафас баркамол шахс сифатида шаклланишида ўз меҳнатимизни сафарбар қиламиз* ”

Тошкент фармацевтика институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Иброхим Иномович Алимджанов



Институт 1937 йилдан Тошкент тиббиёт институти
қошидаги фармация факультетидан бошланган.
Бугунги кунда институт миллий аккредитацияга эга бўлган
обрўли институт ҳисобланади.



Институт кўплаб мамлакатлар талабаларига ўз эшиklarини очмоқда. Институтнинг жуда шинам ва ихчам ҳудудида 6 та бино чиройли ҳамда қулай жойлашган. Институт структурасига ўқув-илмий ишлаб чиқариш блоки, ўқув-илмий тажриба лабораторияси ҳамда дорихона модули киради.



Талабаларнинг ўз имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантиришлари учун барча имкониятлар яратилган. Ёшлар лойиҳа Маркази, Медиа марказ, "Қувноқлар ва зукколар", "Ибн Сино" интеллектуал клублари, вокал-чолғу ансамбли, спорт клуби фаолият юритиб келмоқда. Талаба ва ходимларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаш институтнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, институт ҳудудида 24/7режимда хавфсизлик хизмати фаолият олиб боради.



Институтда 2 та бакалавриат босқичидаги факультет-фармация ва саноат фармацияси факультетлари мавжуд. Шу билан бирга институтда фармацевтларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети фаолият кўрсатмоқда.



ФАРМАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Сиз “Ким бўлсам экан?” деган савол билан ўз келажагингизни танлаш бўсағасидамисиз? Ажаб эмас ушбу сатрларни ўқиётган бўлсангиз ва сизни тадқиқотлар, инсоният учун энг зарур соҳалардан бири – дори-дармон ихтиро қилиш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш қизиқтирса.

Таълим олиш жараёнида қуйидаги кўникмаларни ўзлаштириш лозим бўлади: препаратларни ишлаб чиқариш, доривор ўсимликларни йиғиш ва қуритиш, янги дори воситаларни яратиш, дори воситаларини оптималлаштириш йўлларини қидириш, дори сифатини текшириш, дори воситалари ва фармацияга доир воситаларни сотиш, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, персонални бошқариш, сотилаётган товарлар ва тушаётган маблағнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш.



Доимий равишда кўнгилли талабалар томонидан хайрия акциялари ташкил этилади. Кўнгилли талабалар республика, шаҳар, туман миқёсидаги тадбирларда фаол иштирок этадилар. Турли босқичдаги ижодий танловлар, спорт мусобақалари, ва таниқли инсонлар билан учрашув ташкил этилади.



Институтда талабалар бўш вақтларни мароқли ўтказиш мумкин. Ширин таомлар, турли тўгараклар ҳамда 365 кун очиқ ва қуёшли кунлар! Мустақиллик кунини, Навруз байрами ва кўплаб бошқа байрамлар кенг нишонланади.



Фармация факультетида 1900 дан зиёд талаба таълим олади. Талабаларнинг назарий ва амалий билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Маъруза ва амалий машғулотлар замонавий ва шинам аудитория ҳамда лабораторияларда олиб борилмоқда. Махсус фанлар академик институтлар ва илмий марказларда ташкил этилган.





“Чимган” ўқув-амалиёт базаси фармация факультетига бириктирилган. Базада талабалар доривор ўсимликларни йиғиш, қуритиш, хом-ашёни тайёрлаш ва тайёр махсулотларни лабораторияларга олиб келиш билан шуғулланишади. Лабораторияларда талабалар доривор ўсимликлардан зарур доривор таъсирга эга воситаларни ажратиб илмий-тадқиқот ишларини амалга оширадilar.



XXI-ASR AXBOROT TEXNOLOGIYALAR ASRI



Яшаб ва ўқиш учун талабалар
турар жойларида барча
имкониятлар яратилган.



САНОАТ ФАРМАЦИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Таълим жараёнида талабалар бир неча умумқасбий фанлар, жумладан, инженерлик графикаси, амалий механика асосида материаллар қаршилиги, машина ва деталларнинг механизми назариялари, умумий химиявий технология, ҳисоблаш техникаси, химик технология ва қурилмаларнинг умумий жараёнлари кабиларни ўзлаштирадидлар. Тўлиқ курсни тугатганлар инженер-технолог мутахассислигини оладидлар.



Интернетга уланиш
100 Мб/сек

TAS-IX тармоғига
уланиш тезлиги
50 Мб/сек

Институт ҳудудида доимий
равишда **Wi-Fi** ишлаб турибди
ва барча бинолар локал
тармоққа уланган.

1.8 Тб Илмий ва ўқув адабиётнинг
электрон нусхалари мавжуд

EBSCO, OxfordUniversityPress, ProQuest, Springer
хорижий илмий тадқиқот базалари билан
шартномалар тузилган



АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

Институт АРМи А.Навоий номидаги давлат кутубхонаси, Ziyonet, АРМАТ, ИРБИС тизимларига боғланган бўлиб, 140980дан зиёд ўқув-методик ишланмалар, илмий диссертациялар, авторефератлар ва диплом ишлари сақланмоқда.

46769 сондаги нашрлар
рус, ўзбек ва инглиз
тилида мавжуд



Бугунги кунда факультетда 1000 дан зиёд талаба таълим олмоқда. Факультет қошида 8 та кафедра фаолият кўрсатиб, профессор-ўқитувчилари 16 нафар фан докторлари, 30 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар ҳамда 50дан ортиқ катта ўқитувчи ва ассистентлардан иборат.

Факультетда ўқув фаолияти талаб даражасида ахборот коммуникация технологиялар, замонавий технология, лаборатория жиҳозлари ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этиб келинмоқда. Факультетда махсус саноат фармацияси ва биотехнология кафедралари мавжуд.



Махсус кафедралардаги амалий машғулотлар фармацевтика корхоналари, ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказлари ва ўқув-илмий тажриба лабораторияларида олиб борилмоқда.





Институт битирувчилари ўз меҳнат фаолиятларини республикадагина эмас, балки кўплаб хорижий давлатларда ҳам амалга оширадilar.





МАГИСТРАТУРА

5та йўналишда ташкил этилган:

- дори турлари ва препаратлари технологияси;
- дориларнинг саноат технологияси;
- фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш;
- иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси;
- фармацевтик кимё ва фармакогнозия.




Институт талабалари дунёнинг етакчи университетлари, корхоналарида стажировкалардан ўтиб, қишки ва ёзги тил ўқитиш марказларида ўз кўникма ва малакаларини оширишмоқдалар.



Институт халқаро таълим жараёни билан узвий интеграциялашган таълим муассасасидир. ОТМ 40дан зиёд ўқув муассасалари, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Россия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, илмий, услубий ва таълим соҳаларида етакчи илмий марказлар билан фаол алмашув жараёнини амалга ошириб келмоқда.



Таълим муддати- 2 йил. Резидентларнинг ўқув фаолияти ва илмий тадқиқот ишлари илмий марказлар, академик ОТМлар ва ишлаб чиқаришда ташкил этилади. Ўқишни тамомлагач, битирувчилар ўз фаолиятларини институтда давом эттиришлари мумкин. Магистратура мутахассисликларида дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияси (Хитой) ҳамда дори воситалари ва препаратлари технологияси (Россия Федерацияси) мутахассисликларида қўшма факультетлар очилди.



Институт **40дан зиёд** етакчи хорижий олий таълим муассасалар билан илмий ва илғор тажрибалар алмашиб келмоқда. 15% машғулотлар хорижий мутахассислар томонидан олиб борилмоқда. Етакчи олимлар иштирокида онлайн конференциялар ташкил этилган.



Санкт-Петербург давлат кимё-технология университети билан ҳамкорликда фармация мутахассислиги бўйича қўшма факультет очилди. Келажакда битирувчилар икки томонлама дипломга эга бўладилар.

